

## Effective utilization questions economic resources

Olim Sabirovich Kazakov  
Jasurbek Nematzhonov

Namangan engineering - institute of technology,  
Namangan, Republic of Uzbekiston  
olimkzkv@gmail.com

**The summary.** In modern conditions on предприятиях and the organisations questions of use of available economic resources are got by great value. In article questions of use of economic resources at the enterprises and increases of efficiency of use by these resources are studied. Offers in this direction are developed.

**Keywords:** The Pandemic, resources, economic resources, technological resources, working cars and the equipment, efficiency, manufacture technical training.

**Кирриш ва долзарблик.** Мана икки йил давомида барча дунё мамлакатларини тўла қамраб олаётган пандемия шароити мамлакатлардаги иқтисодиёт субъектларини ривожлантиришда ўзига хос йўллардан фойдаланишни талаб қилмоқда. Ҳамма учун бир хил йўл ёки йўналиш йўқ. Ҳамма мамлакатлар ўзларининг хусусиятларидан келиб чиқиб, ўзига хос ва мос йўллардан фойдаланишади. Мамлакатимиз иқтисодиётини бундай пандемия шароитидаги мураккаб ҳолатдан олиб чиқиб кетиш ва бунда имкони борича самарага эришиш жуда қийин ва мураккаб масалалардандир. Уни самарали равишда ҳал қилиш учун маълум тартибдаги йўналишлардан фойдаланиш талаб этилади. Бу йўналишлар мамлакатимиз иқтисодиётини самарали равишда ривожлантиришга таъсир кўрсатиши керак. Бундай шароитда биринчи даражали вазифалардан бири ҳисобланган иқтисодий ресурслардан фойдаланиш масаласи янада долзарблик касб этмоқда. Эҳтиёжлар ортиб бораётган шароитда чекланган ресурсларнинг ҳар бир бирлигидан оқилона фойдаланиш самарадорликни орттиришга олиб борадиган асосий йўллардан ҳисобланади.

**Таҳлил.** Мамлакатимиз иқтисодиёти кейинги йилларда жадал суръатларда ривожланиб келмоқда. Унинг ривожланиш суръатларини ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатларидан ҳам кўриш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ва Наманган вилоятида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми кўрсаткичлари<sup>1</sup>

	2018 йилда Ялпи ҳудудий маҳсулот, млрд.сўм	2018 йилда ЯҲМ. Аҳоли жон бошига, минг сўм	2019 йилда Ялпи ҳудудий маҳсулот, млрд.сўм	2019 йилда ЯҲМ. Аҳоли жон бошига, минг сўм	2020 йилда Ялпи ҳудудий маҳсулот, млрд.сўм	2020 йилда ЯҲМ. Аҳоли жон бошига, минг сўм
Ўзбекистон Республикаси	406648,5	12339,1	511838,1	15242,0	580 203,2	16949,1
Наманган вил.	18046	6619,5	23239	8353,6	26632,3	9380,5


2018 йили мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти 406648,5 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2019 йили 511838,1 млрд.сўмни ва 2020 йили 580203,2 млрд.сўмни ташкил қилди ёки 2018 йилга нисбатан 142,65 фоиз ўсиши таъминланди. 2020 йили аҳоли жон бошига ҳисоблаганда мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти 16949,1 минг сўмни ташкил қилди ва 2018 йилга нисбатан олганда 137,36 фоизга ўзгарди. Наманган вилоятида ҳам аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

худудий маҳсулот ҳажми ортиб бормоқда. 2020 йили бу кўрсаткич вилоятда 9380,5 минг сўмни ташкил этди. Унинг 2018 йилги даражаси 6619,5 минг сўмга тенг бўлганлигини эсга оладиган бўлсак, 2020 йили 2018 йилга нисбатан 141,71 фоизга ортганлигини кўришимиз мумкин.

Бу каби ижобий ўзгаришларга эришилишининг сабаблари қуйидагилар ҳисобланади: Биринчидан — корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни самарали тарзда амалга оширилаётганлиги, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиб борилаётганлиги, иқтисодий ресурслардан фойдаланиш даражасининг ортиб бораётганлиги ва ҳ.к.лар. Шу билан биргаликда, ҳозирги ақтда корхона ва ташкилотларда самарадорликни янада орттириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотни орттиришнинг қатор имкониятлари мавжуд бўлиб, улар асосан мавжуд ресурсларнинг ҳар бирлигидан самарали фойдаланиш билан боғлиқдир.

Бизга маълумки, корхона ва ташкилотлар технология, меҳнат, моддий ва ахборот ресурсларидан фойдаланадилар(1-расм).



### 1-расм. Корхона ва ташкилотлар фойдаланадиган иқтисодий ресурслар.

Ушбу иқтисодий ресурслар ичида технология ресурслари муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг самарадорлигига эксплуатация қилинаётган технологик ресурсларнинг ёши, биринчи ўринда ишчи машина ва асбоб-ускуналарнинг ёши катта таъсир кўрсатади. Ҳозирги пайтда машина ва саноат ускуналарини ёш бўйича гуруҳлашда тахминан қуйидаги муддатлардан келиб чиқилади: 5 йилгача, 5 йилдан 10 йилгача, 10 йилдан 15 йилгача, 15 йилдан 20 йилгача, 20 йилдан 25 йилгача ва ҳоказо. Машина ва ускуналарнинг эксплуатация муддати қанчалик юқори бўлса, корхонанинг ишлаб чиқариш қувватлари шунчалик паст бўлади, маҳсулотлар сифати пасаяди, бекор туриб қолиш ва талафатлар кўпаяди ҳамда аксинча. Бундан ташқари, корхона асбоб-ускуналаридан узоқ вақт мобайнида фойдаланилганида таъмирлаш учун ҳам кўп харажатлар сарфланади. Ўрганилган корхоналар фаолиятида мавжуд ишчи машина ва дастгоҳларнинг ёши бир оз катта эканлигини аниқланди. Бунинг натижасида самарадорликнинг орттириш имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмапти.

**Такомиллаштириш ва хулоса.** Пандемия туфайли юзага келган шароитда технологик ресурслардан, шу жумладан ишлаб чиқариш дастгоҳларидан самарали тарзда фойдаланиш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Дастгоҳлар ва иш вақтидан унумли фойдаланиш.
2. Дастгоҳларни янгилаш суръатини ошириш.
3. Ташкил этиш жараёнини такомиллаштириш.

4. Жараёнларни механизациялаш ва автоматлаштириш.
5. Ишлаб чиқариш фондлари самарадорлигини ошириш.

Саноат корхоналарида ушбу вазифаларни бажариш учун ишлаб чиқаришнинг техникавий тайёргарлигини ошириш зарур.

Ишлаб чиқаришнинг техникавий тайёргарлигини ташкил этиш ва унинг самарали фаолиятини таъминлашга таъсир этувчи омилларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Ишлаб чиқаришни технологияси даражаси ва турлари, технология турлари, жихозларни андозалаш, дастгоҳлар, маҳсулотлар яратиш ва лойihalашни автоматлаштириш билан боғлиқ омиллар.

2. Ишлаб чиқаришни техникавий тайёргарлиги жараёнини ташкил этиш ва бошқариш соҳасига тааллуқли омиллар.

Биринчи гуруҳ омиллари асосан технологик дастгоҳларнинг тузилиши, ишчи аъзоларининг такомиллашуви билан боғлиқдир. Иккинчи гуруҳ омиллари эса ишлаб чиқаришни ўз вақтида турли воситалар билан ўз вақтида таъминлаш, ходимлардан фойдаланиш ва улар малакасини мунтазам равишда ошириб бориш, режалаштиришни такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни техникавий тайёрлаш жараёнларининг техник иқтисодий меъёрлари тизимини яратиш сингариларини ўз ичига олади.

Ишлаб чиқаришни техникавий тайёрлашнинг самарадорлигини ошириш омилларидан тўлароқ даражада фойдаланиш бошқарувни такомиллаштиришга хисса қўшади. Биз томондан олиб борилган тадқиқодлар натижасида ҳозирги вақтда тўқимачилик ва энгил саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни техникавий тайёрлаш соҳасида қатор имкониятлар мавжудлиги аниқланди. Авваламбор «техникавий тайёрлаш» тушунчасига аниқлик киритамиз. Ишлаб чиқаришни техникавий тайёрлаш жараёни деб ишлаб чиқаришни зарурий хужжатлар билан, моддий ва меҳнат ресурслари билан, технологик жихозлар билан, қўшимча ва тўлдирувчи қисмлар, бутловчи қисмлар билан, ишлаб чиқариш топшириқлари билан ва барча зарурий жихозлар билан таъминлашни тушунилади. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида корхоналардаги ишлаб чиқаришни техникавий тайёрлашнинг иқтисодий, техникавий ва ташкилий муаммоларини ечишга комплекс равишда ёндошиш лозим. Шу нуқтаи назардан қараганда ишлаб чиқаришни техникавий тайёрлашни уч босқичда амалга оширишини маъқул деб ҳисоблаймиз:

1. Ишлаб чиқаришни техникавий тайёрлигининг биринчи босқичида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот кўрсаткичлари бўйича меъёрий хужжатларни тайёрланади. Ишлаб чиқаришимиз лозим бўлган маҳсулот корхонадаги технологияга мос бўлиши тежамкорликни таъминлаши керак.

2. Технологик тайёргарлик босқичи. Ушбу босқичда маҳсулотни ишлаб чиқариш технологиясини мос баҳоланади ва технологик хужжатлар тайёрланади.

3. Ташкилий тайёргарлик босқичи. Маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг қулай ва самарали усул ҳамда шакллари танланади; ишлаб чиқаришни зарурий материаллар ва бутловчи қисмлар билан таъминланади; ходимлар тайёрланади. Ишлаб чиқаришни режалаштириш учун зарурий маълумотлар тайёрланади.

Ушбу босқичларни малакали тарзда амалга ошириш мавжуд ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали тарзда фойдаланишни учун асос яратади.

Ишлаб чиқариш корхоналарида ушбу жараёнларни амалга оширишда турли тўсиқлар, қийинчиликлар, юзага келади. Енгилб ўтиш ҳамда жараёнга фаол таъсир кўрсатиш ва самарали тарзда бошқариш учун барча элементлар ўртасидаги муносабатлар характерини аниқлаш ва мувофиқ тарздаги ҳаракати шартларини белгилаш лозим бўлади.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси (2020 йил 29 декабрдаги) “Наманган ҳақиқати” газетаси 2020 йил 30 декабрь. № 88 (19626)
2. Казаков О.С. Маҳаллий хом ашёлар ва улардан фойдаланиш масалалари. Наманган, 2015 й.
3. Kazakov O.S. Improving the management activity of the fruit and vegetable industry . Журнал “Theoretical & Applied Science” № 12/ 2018 interprises

- 
4. Olim Sabirovich Kazakov, & Ilhom Mahamadjanovich Kamoliddinov. (2021). SOME QUESTIONS OF INCREASE OF EFFICIENCY IN ACTIVITY ENTERPRISE SUBJECTS. *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(01), 160-169. <https://doi.org/10.37547/jcass/volume02issue01-a24>
  5. Kazakov, O. S., & Ahmedkhodjaev, X. T. (2017). Fundamentals of management. *Tashkent, Ilm-Ziyo*.
  6. Kazakov O. (2020). КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ. *Архив научных исследований*, 1(2). извлечено от <https://tsue.scienceweb.uz/index.php/archive/article/view/3729>